

Фуқаролик жамияти Ўзбекистон ҳукуматини Human rights House мустақил инсон ҳуқуқлари ташкилотини рўйхатдан ўтказишга чақиради

Тошкент туманлараро Маъмурий Суди “Human Rights House (Инсон ҳуқуқлари уйи)” нодавлат ташкилотини “расмий асосларга кўра” рўйхатдан ўтказилмаётганлиги ҳақидаги шикоятини қайтарди, бироқ гуруҳ қарор устидан шикоят қилди ва ҳозирда тўққизинчи мартаба Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтишга ҳаракат қилмоқда. Биз, Фуқаролар Бирдамлиги Платформасининг (Civic Solidarity Platform) қуйида имзо чеккан аъзолари, Ўзбекистон ҳукуматини Ўзбекистонда Human Rights House ва бошқа мустақил инсон ҳуқуқлари ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича эркин фаолият юритишини таъминлаш бўйича тезкор чоралар кўришга чақирамиз.

2021-йил 29-сентябрда Тошкент шаҳар туманлараро Маъмурий Суди Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий Суд Ишларини Юритиш Тўғрисидаги Кодексининг 134-моддаси 1-боб 1-қисмига асосланиб, Human Rights House нинг Адлия Вазирлигининг “расмий асослар бўйича” қарори устидан шикоятини қайтариш тўғрисида қарор чиқарди. Human Rights House - Адлия Вазирлиги саккизинчи марта ташкилотни рўйхатдан ўтказишдан бош тортгани юзасидан судга шикоят билан мурожаат қилган эди. Human Rights House вакили бўлган адвокат Сергей Маёров шикоятни қайтариш тўғрисидаги қарорни асоссиз деб ҳисоблайди, чунки у Маъмурий Суд Ишларини Юритиш Тўғрисидаги Кодексининг барча процессуал талабларига жавоб беради.

Human Rights House аъзолари 2021-йил 18-октабр куни Адлия Вазирлигига рўйхатдан ўтиш учун янгиланган сўров юборган. Бу Аъзам Турғунов ўзининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш гуруҳини рўйхатдан ўтказиш учун юборган тўққизинчи сўровидир. Биринчи сўров 2019 йил феврал ойида юборилган.

Гуруҳ 2021-йил 26-октабр куни Тошкент шаҳар туманлараро Маъмурий Судининг қарори устидан апелляция шикояти берган.

Воқеалар ривож:

2021-йил 28-август куни Адлия Вазирлиги Human Rights House асосчиси Аъзам Турғуновга, икки нусхада ташкилий мандат ва рўйхатдан ўтиш йиғимини тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмагани асосида унинг саккизинчи рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги сўрови рад этилганини маълум қилди. Турғунов ва унинг адвокати барча керакли ҳужжатлар ва маълумотномалар тақдим этганликларини айтишмоқда. Илгари

Адлия Вазирлигининг Аъзам Турғунов ва унинг ҳамкасбларининг аризаларини рад этиш асослари кўпинча тушунарсиз ёки асоссиз бўлиб, бу гуруҳни рўйхатдан ўтказиш сиёсий сабабларга кўра рад этилганидан далолат беради. Human Rights House нинг рўйхатдан ўтишга уринишлари ҳақида қўшимча маълумот олиш учун ННТнинг қўшма баёнотига қаранг: [Eighth time lucky? Human Rights House to apply for official registration again](#).

Бошқа мустақил фуқаролик жамияти гуруҳлари ҳам рўйхатга олиш учун бир нечта аризалари ношаффоф ва асоссиз сабабларга кўра рад этилгани ҳақида хабар беришади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси Ўзбекистоннинг 2020-йил мартдаги бешинчи даврий ҳисоботи бўйича якуний кузатишларида “Иштирокчи-давлатда рўйхатдан ўтган мустақил, ўз ташаббусли Нодавлат Нотижорат Ташкилотларининг камлиги, рўйхатдан ўтишни рад этишлар сонининг кўплиги”дан хавотир билдирган.

Имзоловчилар:

1. Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари ассоциацияси – AHRCA, Франция
2. UMDPL Ассоциацияси, Украина
3. Австрия Хелсинки Уюшмаси
4. Фуқаролик эркинликлари маркази, Украина
5. Демократия ва инсон ҳуқуқларини ривожлантириш маркази, Россия
6. DRA, Германия
7. Freedom Now, Қўшма Штатлар
8. Хелсинки Фуқаролар Ассамблеяси - Vanadzor, Арманистон
9. Хелсинки Инсон ҳуқуқлари жамғармаси, Польша
10. Инсон ҳуқуқлари маркази (HRC), Грузия
11. Озарбайжон Инсон ҳуқуқлари маркази
12. "Viasna" инсон ҳуқуқлари маркази
13. Инсон ҳуқуқлари мониторинги институти, Литва
14. "Бир дунё-Қирғизистон" инсон ҳуқуқлари ҳаракати
15. humanrights.ch, Швейцария
16. IDP аёллар уюшмаси "Consent", Грузия
17. Инсон Ҳуқуқлари йўлида Халқаро Ҳамкорлик (IPHR), Белгия
18. Қозоғистон Инсон Ҳуқуқлари ва Қонун Устуворлиги Халқаро Бюроси, Қозоғистон
19. KRF Public Alternative, Украина
20. Ҳуқуқий трансформация маркази (Lawtrend)
21. Нидерландия Хелсинки қўмитаси, Нидерландия
22. Норвегия Хелсинки қўмитаси, Норвегия
23. Promo LEX, Молдова
24. "Қадр-қиммат" жамоат бирлашмаси, Қозоғистон
25. Swedish OSCE-network, Швеция
26. Қийноқларга қарши Жаҳон ташкилоти (ОМСТ), Швейцария

